



## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

(2020 йил март)

### Катта ўқитувчи:

Даволаш факультетига қарашли  
“1-сон факультет ва госпитал  
жарроҳлик” кафедраси

### Ассистентлар:

Даволаш факультетига қарашли  
“Патологик анатомия” кафедраси  
Даволаш факультетига қарашли

“1-сон факультет госпитал терапия  
ва касб касалликлари курси билан”  
кафедраси

Тиббий педагогика факультетига  
қарашли “Нормал ва патологик  
физиология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига  
қарашли “Реабилитология халқ  
тиббиёти ва жисмоний тарбия”  
кафедраси

**Ҳужжатларни қабул қилиш муддати бир ой эълон қилинган  
кундан бошлаб, ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.**

**Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

## ХАЛҚАРО СЕМИНАРЛАР

**Тошкент тиббиёт академияси Жамоат соғлиғини сақлаш  
мактабига халқаро семинар-тренинглар ўтказилмоқда.**

Тошкент тиббиёт академияси Жамоат соғлиғини сақлаш мактабига Халқаро ҳамкорлик доирасида: “IHOD project, Training the Trainer Workshop Improving competencies of health care professionals in the area of Public health Seminars on Quality in Health Sector, Change Management, Problem Solving and Advances in Teaching Methods”, Испаниянинг Валенсия политехника Университети “Менежментда сифатни ошириш маркази” директори, профессор Андрес Каррион Гарсиа ва профессор Елена Вазкуез Баррачина жорий йилнинг 27 январидан 7 февралгача “Соғлиқни сақлашда менежмент” мавзусида магистр-талабалар орасида семинар-тренинг ўтказди.

Семинар-тренингда Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби профессор-ўқитувчилари ҳамда магистр талабалари фаол қатнашди. Дарслар

қизиқарли баҳс-мунозаралар тарзида ўтганини айтиш мумкин. Бундан ташқари, Fulbright стипендияси совриндори, Вашингтон Университети профессори Kawkab SHISHANI ва политология ва инглиз тили бўйича магистр Maria DELANE жорий йил 1 февралдан 30 июнга қадар Жамоат соғлиғини сақлаш мактабига профессор-ўқитувчилар ва талабаларига “Жамоат соғлиғини сақлаш” фанининг долзарб масалалари ҳамда “Инглиз тилини ўрганиш” бўйича семинар-тренинг ва амалий машғулотлар олиб бормоқда. Жумладан, Жамоат соғлиғини сақлашнинг устувор йўналишларидан илмий изланишларнинг услубияти, илмий изланиш учун керакли маълумот ва кўрсаткичларни йиғиш, биоэтика масалалари, маълумотларни йиғишнинг амалий дала шароитида ўтказиш, илмий изланишларда

ёзма тадқиқот усулини қўллаш, керакли илмий тиббий адабиётларни интернетдан излаш ва уларга танқидий ёндошиш, илмий изланишлар натижасига асосланган ҳолда мақолалар ёзиш ва уларни конференцияларда тақдим этиш каби мавзуларда семинар ва амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, Вашингтон Университети профессори Kawkab SHISHANI Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби профессор-ўқитувчилари ва магистрант талабалари билан ҳамкорликда “Таркибда никотин бўлган маҳсулотларни истеъмол қилишнинг саломатликка зарари” мавзусида илмий изланиш олиб бориб, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлини – шаҳар оилавий поликлиникаларда умумий амалиёт шифокорлари билан тамаки маҳсулотларини истеъмол қилаётган беморларга ушбу зарарли одатдан воз кечишнинг самарали йўллари татбиқ этилиб, унинг самардорлиги ўрганилиши кўзда тутилган.

**Б.МАМАТҚУЛОВ,**  
Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби  
директори, профессор

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahifalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy  
Nashr uchun ma'sul  
Q.Nizomov

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir  
Бепул тарқатилади

MUASSIS:  
TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI

MUHARRIR  
TURDIQUL  
BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),  
O.Hazratov, A.Zohidiy, D.Norgulov,  
L.Abdugodirova, M. Hasanova

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

## ИЛМ-МАЪРИФАТНИ ЮКСАЛТИРИШ — ДАВЛАТ РАВНАҚИ, ХАЛҚ БАРКАМОЛЛИГИ КАФОЛАТИДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга  
йўллаган Мурожаатномаси Ўзбекистон  
келажаги учун стратегик аҳамиятга  
эга бўлган вазифалар белгиланишида  
асосий дастур сифатида хизмат қилади.**

Муҳтарам Президентимиз ўз Мурожаатномасида 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном бериши мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган таълим, илм-маърифат ва инновацион технологиялар ривожини, халқимиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси сифатида шакллантириш борасида қилинаётган ишларни янада ривожлантиришга туртки бўлади.

2020 йил ва кейинги йилларда жамият соҳаларида амалга оширилиши зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифалар, жумладан, олий таълимга қабул квоталарини доимий равишда ошириб бориш, миллий тест тизимини яратиш, кириш имтиҳонларини соддалаштириш, давлат грантини икки бараварга кўпайтириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, тадбиркорлар учун бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, дориларнинг электрон реестрини яратиш, ўқитувчи ва шифокор мақомини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг ойлик иш ҳақларини ошириш, коррупцияга қарши курашиш каби тақлиф-ташаббуслар Ватанимиз ва халқимизнинг раванқига хизмат қилади.

Мурожаатномада ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси ҳозир 20 фоизга тенг бўлса, 2020 йилда камида 25 фоизга, келгусида эса 50-60 фоизга етказилиши, олий ўқув юрталарига талабалар қабул қилишда давлат грантлари 2 баробарга кўпайтирилиши, қизлар учун қабул квоталарида алоҳида грантлар ажратилиши тўғрисидаги вазифаларни белгиланганлиги шахсан мени ва барча олий таълим тизимида ишлаётган барча ходимларни беҳад хурсанд қилди.

Ҳақиқатан ҳам, қизларимиз учун алоҳида квоталар ажратиш вазифаси белгиланиши жамиятда хотин-қизларнинг нуфузини оширишда муҳим масала бўлиб хизмат қилади. Тошкент тиббиёт академияси мисолида кўрадиган бўлсак, 2010-2011 ўқув йилида талаба қизларнинг сони 2335 нафар (талабаларнинг 45 фоизи)ни ташкил этган бўлса, 2018-2019 ўқув йили 2235 нафар (36 фоиз), 2019-2020 ўқув йили 2022 нафар (38 фоиз) талаба қизлар таҳсил олишмоқда. Бундан кўриниб турибдики, Мурожаатномада кўтарилган масала — жамиятда хотин-қизларнинг нуфузини янада ошириш жуда муҳим.

(Давоми 2-бетда.)



## ҚУТЛАЙМИЗ!

Хурматли, муҳтарам профессор-ўқитувчилар, азиз талаба-қизлар! Сизларни яқинлашиб келаётган баҳор байрами ҳамда Халқаро хотин-қизлар куни билан чин дилдан самимий табриклайман.

Мана жаннатмакон диёримизда бетакрор баҳор нафаси кезмоқда. Табиат уйғониб, борлиқ яшилликка, гулу чечакларга бурканмоқда. Аслида баҳор янгилини ва яшариш фасли ҳисобланади. Ана шу мафтункор ва гўзал фаслнинг илк байрами эса мўътабар аёлларимиз байрами билан бошланади.

Қадимдан шарқда аёлларга юксак эҳтиром кўрсатиб келинган. Аёл — табиатнинг бетакрор мўъжизаси, энг буюк хилқат дея таъриф таъсиф берилган. Аслида ҳам шундай. Аёл буюк ва мукаррам зот.

Айтиш жоизки Тошкент тиббиёт академияси илмий, ташкилий ва бошқа жараёнларда қўлга кирити-

лаётган ютуқларни аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг меҳнатдаги, илмий-ижодий изланишдаги ва ўқув жараёнидаги фидойилигини ҳамisha юксак қадрлаймиз. Билимли, зукко, ҳар томонлама ўрнак олса арзийдиган талаба қизларимиз сафи йил сайин ортиб бораётганлиги бизни қувонтиради. Биз шундай ёшларимиз борлиги билан фахрланамиз.

Қадрли устоз-мураббийлар, хурматли опа-сингиллар! Сизларни барчангизни фасли навбахор ва нафосат байрамингиз билан самимий табриклайман. Сиз азизларга мустаҳкам соғлиқ, боқий гўзаллик, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик, осойишталик ва файзу барака тилаймэн. Илмий ва ижодий ишларингизда, ўқишларингизда улкан муваффақиятлар ва омадлар ёр бўлсин.

ТТА ректори  
Л.Туйчиев



Хикмат

Қутқу солган билан дилиннга шайтон,  
Иймоннинг эгаси қошингда Раҳмон.



Хикмат

## ИЛМ-МАЪРИФАТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ДАВЛАТ РАВНАҚИ, ХАЛҚ БАРКАМОЛЛИГИ КАФОЛАТИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шунингдек, давлатимиз раҳбари коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламларида соҳа бўйича энг яхши мутахассисларни жалб қилиш орқали мажозий маънода “**ҳалоллик вакцинаси**” билан эмлаш зарурлигини айтиб ўтдилар. Бу билан, раҳбаримиз жамиятни ушбу иллат билан оммавий касалланганини, уни бартараф этиш учун эса катта куч, катта салоҳият ва кенг ваколатлар билан кураш олиб боришимиз лозим эканлигини англаб етдик.

Президентимиз ўз нутқида “**соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислохотларимизни ҳам қатъият билан давом эттирамиз**” деб алоҳида

таъкидлаб, шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, халқимиз ўртасида уларга нисбатан ҳурматни ошириш, ушбу касб эгалари учун муносиб меҳнат шароити яратиш ва даромадини кўпайтириш, давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар кўп ёки қарийб 1,5 триллион сўм ажратилиши, 281 та тиббиёт муассасасини куриш ва таъмирлашга бюджетдан 1,1 триллион сўм сарфланиши, шунингдек, 17 та ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт муассасасини бошқаришда замонавий менежмент механизмларини жорий этиш, Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида шу йил электрон тиббий карталарни жорий

этиш, мажбурий тиббий суғуртага оид қонунларни қабул қилиш каби масалаларга эътибор қаратилганлиги мамлакатимизда тиббиёт соҳасининг янги босқичга кўтарилиши учун асос бўлиши шубҳасиз.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида турли соҳа вакиллари фаолиятига оид хулосаларни тилга олиниши билан бирга, мамлакатимиз раवнақи, халқимиз баркамоллигига эришишнинг энг асосий соҳаси бўлган икки касб вакиллари – ўқитувчи ва шифокорларга алоҳида эътибор қаратилганлиги бизни кейинги ишларимизда янада шижоат билан ишлаш учун илҳомлантирди.

**Лазиз ТУЙЧИЕВ,**  
Тошкент тиббиёт академияси  
ректори

## АЛИШЕР НАВОЙЙ – ТАБОБАТ ҲОМИЙСИ

*“Буюклар барча соҳаларда буюк,  
жоҳиллар эса барча жиҳатдан жоҳилдирлар”.*  
Монтгомери, фаранг файласуфи



**Улуғ файласуф алломанинг ушбу қанотли жумлаларини бежизга иқтибосда келтирмадик, зеро, ҳадиси шарифларда “Аллоҳ” кимни тўғри йўлга бошласа, уни фикҳда билимдон қилиб қўяди”, дейилган.**

Шу қутлуғ ойда таваллуди кенг нишонланган улуғ бобокалонимиз, ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоий ана шундай комил, фозил инсон бўлганлар. Биргина “Насойим ул муҳаббат” меросини ўрганган ҳар қандай одам унинг исломда, фикҳда нақадар теран илмларга эга эканлигини англаб етади, ҳайратлар оламига ғарқ бўлади. У ўзи учун яшамади, ўзини ўйламади, инсоният ҳақида қайғурди, дунёни ҳикматга тўлдириб, умргузаронлик қилди.

*Агар ҳикматга бўлса илтифотинг,  
Ки бўлсин Нух умрича ҳаётинг.*

У ўз даврининг барча фанларини ривожлантиришга уринди, ўзининг маънавий ва моддий кўмаги билан машҳур тарихчилар, шоирлар, мусиқашунослар, наққошлар, табиблар, ҳақимларнинг этишиб чиқишига имкон даражасида ҳисса қўшди.

Навоийнинг ўзи ҳам тиббиёт билимдони бўлган. У Мовароуннаҳрда Доруш-шифо-даволаниш уйини ташкил қилган ва унга тегишли мадрасаларда диний, дунёвий илмлар билан бирга тиббий сабоқлар ҳам берилган. Навоийнинг наздидаги ҳозиқ табиб инсон кўнглига йўл топа оладиган, хушрўй, хушфезъл инсон бўлиши, баайни Исо алайҳиссаломдек беморларга умид, ўликларга жон ато эта олиши лозим. Навоий бадхулқ ва жоҳил табибларни жаллодга

ўхшатган, бу билан тиббий деонтология ва касб этикасига асос солган. У бош-қош бўлиб яратган Доруш шифо унинг вафотидан кейин ҳам узоқ йиллар дардмандлар дардига шифо бўлган.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки, бугунги цивилизация илғорлашган, замон шиддати тезлашган, айрим ҳолларда аҳоли томонидан тиб ходимларига нисбатан норозиликлар ва ҳатто тажовузлар бўлаётган мураккаб даврда илм толибларимиз ва шифокорларимиз табибларнинг шакли, моҳияти, муомала маданияти ва мулоқот санъати борасида Навоий меросларига бот-бот мурожаат қилишлари зарурати келиб чиқади.

Зеро, устоз Эркин Қосимов каби касб этикасининг билимдони ҳалим ва ҳақим, одил ва оқил муомаласи юксак инсон ҳамма вақти мижозлар қалбига йўл топа олади. Ҳазрат Навоий ўзининг меросида буларни муфассал баён қилиб кетган.

**Кутбиддин НИЗОМОВ,**  
Республика Соғлиқни сақлаш аълочиси,  
**Фарҳод ЭРҒАШЕВ,**

ТТА аллергология ва клиник иммунология йўналиши I-босқич магистранти

## ТТА бўйича март ойида тузилган ҳамкасб, устозларимиз

38	Жуманиёзова Гулноз Санакуловна	16.03.1968	Гистология ва тиббий биология кафедраси ассистенти
39	Мирзаев Дилшодбек Ахмедович	17.03.1968	Нормал ва патологик физиология кафедраси ассистенти
40	Ташпулатова Шахноза Абдуллахатовна	17.03.1976	Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти
41	Джурраев Жамолбек Абдиқохорович	17.03.1987	Даволаш факультетининг ЛОР ва стоматология кафедраси ассистенти
42	Бекназаров Шакир Юлдашевич	17.03.1946	Суд тиббиёти кафедраси доценти
43	Хамраев Аброр Арсорович	17.03.1960	Тиббий педагогика факультети декани
44	Рашидова Нилуфар Сафаевна	19.03.1977	Даволаш факультетининг Асаб касалликлари кафедраси, тиббий психология ва психотерапия курси билан доценти
45	Юсупова Махира Тулягановна	19.03.1960	Нормал ва патологик физиология кафедраси катта ўқитувчиси
46	Нигматжонов Абдурашид Сагдулла ўғли	19.03.1991	Тиббий радиология кафедраси ассистенти
47	Косимов Шухрат Зокирович	20.03.1949	2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси профессори
48	Алланазаров Исмоилжон Мусурмонқулович	20.03.1968	Даволаш факультетининг Патологик анатомия кафедраси катта ўқитувчиси
49	Юлдашева Гулнора	20.03.1962	Бухгалтериянинг ғазначиси
50	Нуров Эсан Игамович	20.03.1963	Иккинчи бўлим бошлиғи
51	Акматалиева Феруза Шомаксудовна	21.03.1961	Ходимлар бўлими назоратчиси
52	Оралов Бехруз Абдукаримович	21.03.1989	Даволаш факультетининг Офтальмология кафедраси ассистенти
53	Мирзахмедов Мурод Мирхайдар ўғли	21.03.1975	Даволаш факультетининг Хирургик касалликлар кафедраси ассистенти
54	Абдурахманова Наргиза Мирза-Бахтиярхоновна	22.03.1987	3-сон ички касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси
55	Юсупхўжаева Азиза Маждидовна	22.03.1974	Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси катта ўқитувчиси
56	Бабаджанова Шаира Агзамовна	23.03.1952	Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси профессори
57	Умарова Зулфия Хосиловна	23.03.1971	Гистология ва тиббий биология кафедраси ассистенти
58	Аллаберганов Дилшод Шавкатович	24.03.1979	Даволаш факультетининг Патологик анатомия кафедраси ассистенти
59	Наврзуов Элбек Равшанович	24.03.1991	Даволаш факультетининг Урология кафедраси ассистенти
60	Каримова Умида Нирматовна	25.03.1974	Даволаш факультетининг 2-сон болалар касалликлари кафедраси ассистенти
61	Хасанова Машхура Абдувалиевна	25.03.1976	Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи
62	Акбаров Миршавкат Миралимович	26.03.1963	2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси мудир
63	Акилов Фарход Атауллаевич	26.03.1955	Даволаш факультетининг Урология кафедраси мудир
64	Козлова Ольга Анатольевна	26.03.1951	Тахририй нашриёт бўлими муҳаррири
65	Курбонова Зумрад Чутбаевна	26.03.1977	Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси ассистенти
66	Сиддиқов Муродхўжа Абдужалол ўғли	27.03.1991	Тиббий ва биологик кимё кафедраси ассистенти
67	Шоисломов Умида Шомуратовна	27.03.1956	Ўқув услубий бўлим услубчиси
68	Атаходжаева Патима Абдураимовна	28.03.1957	Даволаш факультетининг 2-сон акушер гинекология кафедраси доценти
69	Каримов Махмуд Рустамович	28.03.1974	Даволаш факультетининг 1-сон факультет ва госпитал жарроҳлиги кафедраси доценти
70	Мўяссарова Мухаббат Мухаммадиевна	28.03.1969	Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш кафедраси катта ўқитувчиси
71	Абдуҷаббарова Умида Машруповна	29.03.1971	Информатика ва биофизика кафедраси катта ўқитувчиси
72	Матқулиев Ўткирбек Исмоилович	29.03.1980	Даволаш факультетининг 1-сон факультет ва госпитал жарроҳлиги кафедраси доценти
73	Азимова Севара Баходировна	30.03.1977	Нормал ва патологик физиология кафедраси доценти
74	Азизова Феруза Лютпиллаевна	30.03.1973	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кунлари билан муборакбод этади.



### ТТА бўйича март ойида тузилган ҳамкасб, устозларимиз

№	Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Кафедра ва лавозими
1	Саиджалилова Дилноза Джавдатовна	01.03.1972	1-сон акушер гинекология кафедраси профессори
2	Собирова Дилдора Равшановна	01.03.1988	Гистология ва тиббий биология кафедраси ассистенти
3	Ғофуров Рахимжон	01.03.1951	Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими бошлиғи
4	Базарбаев Муротали Ирисалиевич	02.03.1974	Информатика ва биофизика кафедраси мудири
5	Собирова Дилдора Равшановна	01.03.1988	Гистология ва тиббий биология кафедраси ассистенти
6	Мамаджанова Мунираҳон Амановна	02.03.1959	Фармакология кафедраси катта ўқитувчиси
7	Ильхамов Дилшод Фархадович	03.03.1988	Тиббий радиология кафедраси ассистенти
8	Каттаходжаева Динара Уткурходжаевна	03.03.1965	Анатомия ва клиник анатомия кафедраси катта ўқитувчиси
9	Ешаниязов Джахангир Наурызбаевич	04.03.1963	Даволаш факультетининг Умумий ва болалар жарроҳлиги катта ўқитувчиси
10	Маматкулов Бахромжон	04.03.1949	Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби директори
11	Мустанов Азамат Юнусович	04.03.1973	Эпидемиология кафедраси катта ўқитувчиси
12	Ахунходжаев Адхам	05.03.1973	4-талабалар уйи тарбиячи-педагоги
13	Юсупов Нодирбек Исломбаев	05.03.1991	Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси ассистенти
14	Адхамова Нигина Пулатовна	06.03.1984	Даволаш факультетининг 2-сон ички касалликлари кафедраси ассистенти
15	Содиқова Нозима Баходировна	06.03.1985	Даволаш факультетининг 2-сон болалар касалликлари кафедраси ассистенти
16	Исмаилова Гули Аманджановна	07.03.1955	Дерматовенерология кафедраси профессори
17	Гаранина Наталья	08.03.1976	Девонхона ва архивнинг архив мудири
18	Эшбоев Эркин Абдухалилович	07.03.1986	Даволаш факультети Патологик анатомия кафедраси ассистенти
19	Муминова Зиёда Абраровна	09.03.1977	1-сон акушер гинекология кафедраси ассистенти
20	Ташматов Шавкат Насриддинович	09.03.1982	Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик кафедраси ассистенти
21	Набиева Севара Хамидуллаевна	09.03.1978	Илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими й.д.муҳандиси
22	Абзалова Дилорам Абдухалиловна	10.03.1956	2-сон ички касалликлари пропедевтикаси кафедраси ассистенти
23	Закирова Умида Иркиновна	10.03.1969	Даволаш факультетининг 2-сон болалар касалликлари кафедраси доценти
24	Бобомуратов Турдикул Акрамович	10.03.1964	Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор
25	Юлдашева Нигора Хуснуллаевна	11.03.1982	Даволаш факультетининг 2-сон ички касалликлари кафедраси ассистенти
26	Артиқова Дилфуза Махаматовна	11.03.1973	Даволаш факультетининг 2-сон ички касалликлари кафедраси доценти
27	Имамова Ильмира Абдуллаевна	11.03.1978	Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси ассистенти
28	Ишмурад Муроджон Бахромович	12.03.1989	Микробиология вирусология ва иммунология кафедраси ассистенти
29	Даминов Акмал Ахунджанович	13.03.1952	Гистология ва тиббий биология кафедраси доценти
30	Нурматова Азиза Мирбатировна	13.03.1985	Бухгалтерия 1.д.бухгалтери
31	Агзамходжаева Насиба Саидмағруфовна	14.03.1949	Даволаш факультетининг 1-сон болалар касалликлари кафедраси доценти
32	Мусоҳонов Аброржон Камолитдинович	14.03.1984	Ахборот тизимларини жорий этиш бўлими бошлиғи
33	Бабалджанов Бахтиёр Дусчанбаевич	15.03.1955	Даволаш факультети Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси профессори
34	Маждидова Гузал Дадажон қизи	15.03.1985	Нормал ва патологик физиология кафедраси ассистенти
35	Солиева Умида Хабибуллаевна	15.03.1989	1-сон акушер гинекология кафедраси ассистенти
36	Латипова Шахноза Акбарбековна	15.03.1974	Даволаш факультетининг 2-сон болалар касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси
37	Ирискулов Бахтиёр Уктамович	16.03.1962	Нормал ва патологик физиология кафедраси мудири

## АЖДОДЛАР МЕРОСИ ИБРАТ МАКТАБИ

**Ҳукмдор, шоир, фотиҳ, носир, саркарда олим ва беназир қалб соҳиби Мирзо Бобур бойчечаклар замҳарир қишни устидан ғалаба қилиб, дунёга бўй чўзган кунда 14 февралда дунёга келган.**



Бу улкан, мураккаб шахснинг тарих саҳнасига чиққан кунидан бошлаб то ўлимига қадар оилавий муҳити, ижодкор ва ҳукмдор сифатидаги ички ва ташқи зиддиятлари жуда кўп бўлган. Бу зиддиятларни унинг айнан ўзи ҳам тан олган:

*Толеъ йўғи жонимга балолиғ бўлди,  
Ҳар ишни қилдим, хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ёраб нетай, не юз қаролиғ бўлди!*

Унинг ҳаққонийлиги, ўзига, табиат ва жамиятга нисбатан ҳолислиги инсонни ҳайратга солади. Ваҳоланки, аксарият заминдош ва замондошларимизга ўхшаб, хато-ларни тан олмасдан, мақтаниб, ғурурланиб, кибру ҳаво билан умргузаронлик қилиб ўтса ҳам арзирди. Бунга маънавий ҳаққи ҳам бор эди. Аммо у она ва замин ва тарих олдида иккиюзламачилик қилмади, оқни оқ, қорани қора деб яшаб ўтди. Бу эса бизни ўта ҳайратлантиради.

Хулоса қилиб айтганда иқтидорли инсонлар, олимлар, ҳақимлар, фозиллар ва валийлар давлат устунлари, таянчлари, миллат устунларидир. Уларни пайғамбарлар, валийлар, одил ва оқил ҳукмдорлар, жаҳонгирлар,


фотиҳлар иззат-икром қилиб ёнларидан узоқлаштирмаганлар. Ҳақим Юсуфий ҳам она тарих олдида ўзининг буюк вазифасини сидқидилдан адо этиб яшолган ҳозир ҳақимлардандир. Ҳақим Юсуфий муборак қаламига мансуб йигирмага яқин тиббий рисоаларнинг бир нечаси асрлар мобайнида бўлғуси табиблар учун дастур-уламал бўлган. Унинг бевосита ҳаракати, иқтидори, интуицияси ва маҳорати улғу инсон ҳаётини узайтириб, тарихда қолишига сабаб бўлди. Бобур тузган улкан давлат ўз қудрати, адолати ва маданий ёдгорликлари билан уч аср умр кўриб тарихда қолди. Ўтган асрдаги инглиз мустамлакаси унинг охири авлодларини маҳв этди. Шунга қарамасдан закий ва дилбар бу инсоннинг қалб ўтига йўғрилиб яралган маданий мерос замондошларимизни баҳраманд қилгани сари унинг иккинчи умри ҳам келажак сари одимламоқда.

**Алижон ФАҚИРОВ,**  
Халқаро “Экология и здоровье человека”  
Илмий академияси муҳбир аъзоси,  
**Даврон УРУНОВ,**  
ТТА аллергология ва клиник иммунология  
йўналиши I-босқич магистранти

## МЕН НЕЧУН СЕВМАЙИН ЎЗБЕКИСТОННИ?

Ўзбекмиз, бекдирмиз ғурур билайлик,  
Кел, дўст қулоч ёз парвоз қилайлик.  
Отамиз чорлади қулоқ солайлик,  
Ўзбекистонимизга қанот бўлайлик.  
Жонқуяр, халқпарвар, фидокор хоқон,  
Айтганда сўздан титради жаҳон.  
Бу сўзлар ёдингдан чиқмасин ҳар он,  
Мен нечун севмайин Ўзбекистонни?  
Ҳар зарин тупроғи тенгдир олтинга,  
Мен нечун севмайин Ўзбекистонни?  
Шифобаҳи ҳавоси малҳам қалбимга.  
Нонвою деҳқон буюк тадбиркор,  
Отамиз айтадир халққа мадакор.  
Бирлашсак бизларга бўлар толе ёр,  
Мен нечун севмайин Ўзбекистонни?  
Имкон берилмоқда ҳар бир инсонга,  
Ташаббус кўрсатиб чиқинг жаҳонга.  
Ўғилу қизлари қанот Ватанга,  
Мен нечун севмайин Ўзбекистонни?  
Кеча сирли бўлган яқин келажак,  
Ёшлари қўлида буюк бўлажак.  
Султони сўзини айтадир бешак?  
Мен нечун севмайин Ўзбекистонни?  
Мушиқа, куй-қўшиқ чертиб қалб торин,  
Ёшларда уйғотар ғурур ва орин.  
Жаҳонга айтгаймиз баралла боринг,  
Мен нечун севмайин Ўзбекистонни?  
Спортнинг ҳар турин суриб илғорлар,  
Фарҳоду Алпомиш каби полвонлар.  
Боболар узидан юриб издошлар,  
Мен нечун севмайин Ўзбекистонни?  
Ҳар қадам, ҳар нафас бир овоз янграр,  
Бу овоз келганда юрагин титрар.  
Ҳар инсон қалбида шу савол қайнар,  
Мен нечун севмайин Ўзбекистонни?  
Айтинг дўстлар,  
Биз нечун севмайлик Ўзбекистонни?

Достон ҲИКМАТОВ



**Аёлларсиз ҳаётни, тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Улар жамиятнинг етакчи кучлари, моҳир ва уддабурон мураббийлари, меҳрибон ва оқила тарбиячиларидир, шу сабабли бўлса керак жамиятимизда аёл кишига бўлган эҳтиром жуда беқиёсдир.**

## БИЗНИНГ ФАХРИМИЗ

Ана шундай эҳтиром соҳиби бўлмиш аёллардан бири – жамоамизда фаолият кўрсатаётган ҳам олима, ҳам жонкуяр раҳбар, ҳам меҳрибон она – т.ф.д. Феруза Ибадуллаевна Саломова ҳақида сўз юритишни лозим деб топдик.

Феруза Саломова 1990 йилда Тошкент давлат тиббиёт институти санитария гигиена факультетини имтиёзли диплом билан тугатган. 2002 йилда номзодлик, 2009 йилда эса докторлик диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Ф.Саломова кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида академия жамоаси орасида ўзининг меҳнатсеварлиги, жонкуярлиги ва масъулияти билан ҳурмат қозонди. Талабаларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида тинмай меҳнат қилиб келмоқда. Академияда ўқув, ўқув-услугий ва тарбиявий ишларни олиб бориш билан бир қаторда масъулиятли лавозимларда ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда, жумладан, 2009–2012 йилларда жамоатчилик асосида ТТА ходимлар малакасини ошириш ва талабалар малакавий амалиёти бўлими мудири, ТТА ҳузуридаги DSc 27.06.2017. Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаши аъзоси ҳамда ушбу кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, 2012–2016 ҳамда 2017 йилнинг сентябридан ТТА тиббий профилактика ва тиббий биология факультети декани, 2012 йилдан “Атроф-муҳит гигиенаси” кафедраси мудири.

Ф.Саломова Тошкент тиббиёт академияси ва Корея Университети ўртасида 2016–2020 йилларга мўлжалланган “Тошкент тиббиёт академиясида соғлиқни сақлаш соҳасида таълимни такомиллаштириш”га оид халқаро илмий лойиҳасининг ТТА бўйича координаторидир.

Феруза Ибадуллаевна 170 дан ортиқ илмий мақола, ўқув-услугий кўлланма, ихтиро ва монографиялар муаллифидир. У академия, республика ва чет давлатларда ўтказилган ўқув ва илмий-амалий анжуманларда фаол иштирок этиб, ўзи ҳам шундай илмий анжуманларни ташкил этиб келмоқда: ТТАда 2016, 2017, 2018 ва 2019 йилларда Ф.Саломованинг ташаббуси билан Корея Университети билан ҳамкорликда халқаро симпозиумлар ташкиллаштирди ва уларда маърузалар билан иштирок этди.

2018 йилда Ф.Саломова раҳбарлик қилаётган кафедра қошида Корея Университети ҳамкорлигида илмий марказ ташкиллаштирилди ва атроф-муҳит омилларини ўлчашга мўлжалланган бир қатор замонавий лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Худди шу йилда Ф.Саломова раҳбарлигида 14.00.07 Гигиена ихтисослиги бўйича Ў.Адилов докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ҳозирги кунда Ф.Саломова Н.Ахмадалиева томонидан ба-



жарилаётган докторлик диссертация ишига илмий маслаҳатчи.

Олима жамоат ишларида ҳам фаол, у киши “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” II Республика танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиби бўлган (2019 й).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раёсатининг қарорига асосан ташкиллаштирилган “Йилнинг энг яхши шифокори – 2019” кўрик-танловининг республика босқичида “Энг яхши доцент” номинацияси бўйича 2-ўринни кўлга киритди.

Ҳурматли Феруза Ибадуллаевна сизни эришган ютуқларингиз, қолаверса кириб келаётган баҳор айёми, 8 март – Хотин-қизлар байрами билан табриклаймиз.

**Л.АБДУҚОДИРОВА,**  
доцент.  
**Н.АХМАДАЛИЕВА,**  
т.ф.н.

## КЕЛИНГ, ВАТАНИМИЗГА ҚАНОТ БЎЛАЙЛИК!

**Талаба-ёшларнинг “Келинг, Ватанимизга қанот бўлайлик” шиори остидаги анъанавий IX анжумани ўтказилди.**

Тошкент тиббиёт академиясида талаба-ёшларни ватанпарварлик, миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини шакллантириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларда ёшлар иштирокини таъминлаш. Президентимиз томонидан ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятларга шукроналик ҳиссини кучайтириш мақсадида ҳар йили “Келинг, Ватанимизга қанот бўлайлик” шиори остида талаба-ёшлар анжуманини ўтказиш анъанага айланган.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳар ёшлар марказида ТТА талабаларининг IX анжумани ўтказилди. Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусни амалда қўллаш, талаба-ёшларда санъатга бўлган иқтидор, қобилиятларни намоён қилиш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш учун ташкил этилган анжуманда адабиёт, шеърят, театр санъати, рассомчилик ва китоб мутолаасига меҳр қўйган талаба-ёшлар ўз ижод намуналари билан иштирок этдилар. Анжуманда академиянинг иқтидорли талабалари ҳозирги пайтдаги ислохотлар, давлатимиздаги ижтимоий-сиёсий жабҳалардаги ижобий ўзгаришлар бўйича ўз изланишларининг натижалари асосида “Келинг, Ватанимизга қанот бўлайлик”, “Истеъмол қиладиган таомингиз дори вазифасини ўтасин, дорингиз таомдан иборат бўлсин”, “Мен нечун севмайин Ўзбекистонни?”, “Билимлар – мўътабар китобларда эмасми?”, “Тил қудрати”, “Ёшлар маънавиятига оммавий маданиятнинг салбий таъсири” мавзуларида тақдимот қилдилар. Шунингдек, ТТАнинг турли факультетларида таҳсил олаётган талабалардан ташкил этилган театр жамоалари ўртасида “Севимли асарларимиз қаҳрамонлари саҳналаримизда” шиори остида “Энг яхши театр намойиши” номинацияси бўйича, ижодкор талабалар томонидан “Ватанга чорлов”, “Жаннатим онажоним”, “Она”, “Ватан” мавзуларида яратилган она Ватанни мадҳ этувчи жозибador ва мазмунли шеърлари билан “Энг яхши шеър муаллифи” номинацияси бўйича, она Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга садоқат ва шукроналик туйғулари ифодаланган бадиий расомчилик асарлари билан “Рассомлар беллашуви” кўрик-танловларида иштирок этдилар. Одиллик ва шаффофлик билан баҳоланган танлов натижаларига кўра, “Энг яхши маъруза номинацияси” бўйича Олий маълумотли ҳамшира факультети талабаси Сарвиноз Қўшбекова 1-ўринни, Даволаш факультетида таҳсил олаётган хорижлик талабалар – Э.Жумаева ва М.Вессалилар 2-ўринни, магистратура йўналиши талабаси Санжар Хабибуллаев 3-ўринни эгалладилар.

“Рассомлар танлови” шarti бўйича Даволаш факультети талабалари Мансур Маликов ва Аминжон Хожиевлар 1-ўринни, Олий маълумотли ҳамшира факультети талабалари Машхура Холиқулова ва Динара Исроиловалар 2-ўринни, Тиббий педагогика факультети талабаси Сардор Рўзметов фахрли 3-ўринни эгалладилар.

“Энг яхши шеър муаллифи” номинацияси бўйича иштирок этган жами 12 нафар ижодкор талабалар орасидан Тиббий профилактика факультети талабаси Достон Ҳикматов “Мен нечун севмайин Ўзбекистонни?” шеъри билан фахрли 1-ўринни эгаллади. 2-ўринга “Она” шеъри билан Даволаш факультети талабаси Шукржон Йўлдошев, 3-ўринга Тиббий профилактика факультети талабаси Сетора Алиева “Келинг, Ватанимизга қанот бўлайлик” шеъри билан муносиб деб топилди.

“Энг яхши театр жамоаси” номинацияси бўйича олиб борилган танловда Тиббий педагогика факультетининг “На-



жот”, ОМХ факультетининг “Эътироф”, Тиббий профилактика факультетининг “Ниҳол” ҳамда Даволаш факультетининг “Истиқбол” театр жамоалари аъзолари томонидан мутолаа этилган сеvimли китоблар асосида театр намойишлари тақдим этилди. Намойиш этилган театр намойишлари ҳакамлар томонидан одилона баҳоланди. Танлов натижаларига кўра, Тиббий педагогика факультетининг “Нажот” театр жамоаси ёзувчи Нуриддин Исмоиловнинг қаламига мансуб “Афғон шамоли” асаридан саҳна кўриниши билан 1-ўринни эгаллади. Севимли ёзувчимиз Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” асари асосида саҳналаштирилган театр намойиши учун ОМХ факультетининг “Эътироф” театр жамоаси 2-ўринни эгаллади. 3-ўринга Тиббий профилактика факультетининг “Ниҳол” театр жамоаси томонидан томошабинлар эътиборига тақдим этилган Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” асаридан театрлаштирилган саҳна кўриниши муносиб деб топилди. Даволаш факультетининг “Истиқбол” театр жамоаси томонидан адиб Аҳмад Муҳаммад Турсуннинг “Қайнона ва келин” ҳикояси асосида саҳналаштирилган “Қайнона ва келин” спектакли намойиш этилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Танлов ғолибларига ТТА раҳбарияти томонидан фахрий ёрлик ва телевизорлар ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

**М.ХАСАНОВА,**

Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

